

Уламолар ила алоқа боғланг



09:00 / 27.06.2019 1884

Шайхул ислом, Муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ айтадилар:

«Эй, Биродар! Бугунги кун мавлавий (домла)лари барчаси айнан шундай бўладилар. Бугунги кун уламоларининг аҳволи шу» деб ташвиқот қилишлик ва уламоларни бадном қилиб юришлик ҳам ҳозирги даврнинг бир модаси бўлиб қолди. Бу айнан динсиз одамларнинг иш услубидир. Чунки, улар токи мавлавий (домла) ва уламоларни бадном қилмагунимизча, бу қавмни жоҳил ва гумроҳ қила олмаймиз. Қачонки, уламолардан бу қавмни алоқасини бузиб юборсак, шунда одамлар бизнинг соямизда бўладилар. Қандай хоҳласак, уларни шундай жоҳил қилиб юраверамиз деб биладилар. Менинг падари бузрукворим раҳматуллоҳи алайҳ айтар эдиларки, қачонки, чўпон подадан алоқани узиб юборса, унда бўри учун эркинлик бўлади. У қандай хоҳласа подани шундай тутиб ейди. Динсиз одамларнинг иши ҳам айнан шундай уламоларни бадном қилишдир. Лекин, диндор одамларда ҳам бу мода пайдо бўлиб боряпти. Улар ҳам ҳар доим: “Эй, Жаноб! Уламоларнинг аҳволи шу” дея уларни ҳақоратлаб ва беобрў қилиб юраверадилар. Уларнинг мажлислари бундай гаплар ила тўшиб тошади. Ваҳоланки, бу гаплардан ҳеч фойда йўқ. Фақат шу бўладики, одамларни уламолардан ёмон гумонда қилиб қўйсангиз, у ҳолда сизга шариъат аҳкомларини ким айтиб беради? Энди, айнан шайтон сизга, бу ҳалол, бу ҳаром деб шариъат масалаларини айтади. Кейин сиз унинг кетидан юрасиз ва жоҳил бўлиб қоласиз. Шунинг учун уламолар гарчи беамал бўлиб кўринсалар ҳам, уларни асло бундай таҳқирламанг.

Балки, уларнинг ҳаққига дуо қилинг. Сиз унинг ҳаққига дуо қилсангиз, унда илм бор, сизнинг дуоингиз баракотидан инша Аллоҳ бир кун у албатта тўғри йўлга қайтиб олади.

“Ижтимоъий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар” китобидан

Абдулқайюм Комил таржимаси